



АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МОЛЯВИЙ МЕҲАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Шержонов Шержон Алижан ўғли

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Ма'мун университети "Иқтисодиёт" кафедраси доцент в.б.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14874011>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-Fevral 2025 yil
Ma'qullandi: 10-Fevral 2025 yil
Nashr qilindi: 15-Fevral 2025 yil

KEYWORDS


ижтимоий ҳимоя, молявий
механизмлар, давлат
сиёсати, бюджет
маблағлари, субсидиялар,
нафақа тизими, ижтимоий
ёрдам дастурлари, барқарор
ривожланиш, иқтисодий
самарадорлик, халқаро
тажриба.

ABSTRACT

Мақолада аҳолининг ижтимоий ҳимоясини молявий механизмлар орқали такомиллаштириш масаласи таҳлил қилинади. Давлатнинг ижтимоий ҳимоя сиёсати, бюджет маблағларининг тақсимланиши, субсидиялар, нафақалар ва ижтимоий ёрдам дастурларининг самарадорлиги ёритилади. Шунингдек, молявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ижтимоий муҳофаза тизимини модернизатсия қилиш ҳамда халқаро тажриба асосида инноватсион механизмларни жорий этиш бўйича тавсиялар берилади. Ўзбекистон шароитида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш стратегиялари ҳамда барқарор ривожланиш тамойиллари таҳлил қилинади.

Инсонларни ижтимоий ҳавф-хатарлардан ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ижтимоий ҳимоя тизими дейиш мумкин. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ўзининг ривожланиш тарихига эга. Илк бор аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш диний ташкилотлар томонидан амалга оширилган. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши билан ижтимоий ҳимоя тизимида давлатнинг роли ошиб борди.

Бюджет харажатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари энг юқори улушга эга бўлиб қолмоқда.



1-расм. Давлат бюджети харажатларининг умумий харажатлардаги улуши тўғрисида маълумот

Харажатлар таркибидаги ўзгаришлардан қатъий назар улар орқали эрилишадиган натижаларни белгилаш ва харажатлар самарадорлигини ошириш асосий масала ҳисобланади. Бунинг учун харажатлар таркибининг хусусиятларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

1-жадвал

Давлат бюджетидан ижтимоий соҳага харажатларнинг таркиби таҳлили, трлн. сўм

Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Ижтимоий соҳа харажатлари:	42,7	63,5	74,2	92,6	117,8
Маориф (таълим)	20,6	33,5	30,0	39,6	50,2
Соғлиқни сақлаш	9,6	15,0	19,4	23,3	27,3
Маданият ва спорт	1,3	2,4	2,3	3,6	4,3
Фан	0,4	0,7	0,8	1,1	1,5
Ижтимоий таъминот ва нафақалар	3,0	4,7	8,2	10,8	19,4
Аҳоли бандлиги даражасини ошириш	0,6	1,2	1,3	2,3	0,7
Уй-жойлар қуриш дастурини биргаликда молиялаштиришда иштирок этаётган банкларга кредит линияси	3,6	4,1	1,9	0,6	1,0

бошқа аҳамиятга	ижтимоий эга харажатлар	3,4	1,9	10,3	11,3	13,4
-----------------	-------------------------	-----	-----	------	------	------

1-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш орқали қуйидаги хулосаларни алоҳида айтиб ўтиш мумкин:

- ижтимоий соҳа харажатлари таркибида маориф(таълим) харажатлари миқдори энг юқори бўлиб, 2018-2022 йилларда кескин ўсиб бормоқда. Бунга асосий сабаб сифатида юқорида айтиб ўтилганидек аҳолининг ёш таркибида таълим ёшидаги қисмининг кўплигидир. Шу билан бирга 2018-2022 йилларда таълимнинг барча босқичларида яъни, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, касб-хунар таълими ва олий таълимда педагог ҳодимларнинг иш ҳақларини ошириш ҳамда таълим муассасаларида шарт-шароитларни яхшилаш учун катта миқдордаги маблағлар йўналтирилмоқда;

- соғлиқни сақлаш харажатлари миқдори ҳам ижтимоий соҳа харажатлари таркибида энг юқори иккинчи соҳа бўлиб, унга ажратилаётган маблағлар ортиб бормоқда. Пандемияга қадар ҳам ушбу соҳага давлат бюджетидан катта миқдордаги маблағлар ажратилганлигига қарамадан бу маблағлар соҳани ривожлантириш учун етарли бўлмагани айнан пандемия даврида маълум бўлди. Пандемия даврида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида муаммолар кўзга ташланди. Бу эса бюджет харажатларини янада ошириш заруриятини юзага келтирди;

-ижтимоий таъминот ва нафақа харажатларидаги ўсиш ҳам сезиларли бўлиб бунини мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга бўлган эътибор ҳамда пандемия салбий таъсирларини камайтириш учун амалга оширилган ишлар натижаси дейиш мумкин.

Юқорида амалга оширилган таҳлиллардан қуйидаги хулосалар олиш мумкин:

- давлат бюджети харажатлари миқдор жиҳатидан ортиб бормоқда ва 2018-2022 йилларда бюджет тақчиллиги кузатилмоқда. Бизнингча бюджет тақчиллиги кузатилаётганлиги бюджет харажатларининг натижадорлиги ва самарадорлигига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини асослайди;

- давлат бюджет харажатлари йўналишларининг умумий харажатлардаги улушида ўзгаришлар юз берган. Бунини ижтимоий соҳа харажатлари улушининг камайиши ва иқтисодий соҳа харажатлари ва марказлашган инвестиция харажатлари улушининг ортиши билан изоҳлаш мумкин;

ижтимоий соҳа харажатлари таркибида ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан таълим ва соғлиқни сақлаш харажатларининг ҳам ижтимоий соҳа харажатларидаги улуши камайиб бормоқда ва кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш каби йўналишлар улуши ортиб бормоқда. Албатта бунга амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва пандемия катта таъсир ўтказган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ – 4611 sonli qarori. 24.02.2020 “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”.
2. Шержонов, Ш. (2023). ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ ЯХШИЛАШДА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ НАТИЖАВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 1(6), 261-269.

3. Sherjanov, S. (2022). O'zbekiston aholisini ijtimoiy himoya qilish strategiyasi. Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences, 2(13), 132-138.
4. Bakberganovich, S. A. (2022). Foreign experience of increasing local budget income. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(10), 436-438.
5. Шержонов, Шержон. "ИЖТИМОЙ СУҒУРТА ОРҚАЛИ АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ." Nashrlar (2024): 102-103.
6. Axmedova, D. (2023). BANKLARDA CHAKANA KREDITLASH AMALIYOTINI RAQAMLI TRANSFORMATSIYA QILISHNING HUQUQIY ASOSLARI. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 1(7), 32-42.
7. Yuldashevich, X. S., & Abdullayevich, S. O. (2023). RAQAMLI IQTISODIYOTNING AHOLI TUMUSH FARAVONLIGIGA TA'SIRINI BAHOLASH. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 22(10), 34-36.
8. Masharipova X. (2023) RAQAMLI MUHITDA MIJOZLARNING ENTIYOJLARI VA XATTI-HARAKATLARNI O'RGANISH UCHUN TAHLILIIY USULLARNI QO'LLASH. Journal of new century innovations 30 (3), 203-207
9. Шержонов, Ш. (2024). ИЖТИМОЙ СУҒУРТА ОРҚАЛИ АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ. Nashrlar, 102-103.
10. Jumaniyozov, F. (2024). YASHIL IQTISODIYOT. Молодые ученые, 2(29), 115-117.
11. Jumaniyazov, F. D. O. G. L. (2023). Qishloq xo'jaligini raqamlashtirish sharoitida agrar iqtisodiyotni rivojlantirish. Science and Education, 4(5), 702-706.

INNOVATIVE
ACADEMY